


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсустаълим вазирлиги

5111000 – Касб таълими (5230600-Молия)
бакалавриат таълим йўналишларининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАВ ЧИҚИЛГАИ ВА КИРИТИЛГАИ:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент молия институти.

2. ТАСДИҚЛАНГАИ ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил « 6 » апрел даги 137 - сонли буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкурмалака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чон этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигиға тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.2. 5111000 –Касб таълими (5230600-Молия) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
2. 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2. 5111000 –Касб таълими (5230600-Молия) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари.....	7
3. 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фаи дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.1. Ўқув режа фанлари блокларни мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	10
3.2. 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	11

1. 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

5111000 –“Касб таълими (5230600-Молия)” таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилди.

Ўқув режа ва мос малака(даража)си ҳамда фан дастурининг меъёрий муддати 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ҳамда битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурининг ўзлаштирилиши меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланish соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5111000 – Касб таълими (5230600-Молия)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

–мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

–таълим йўналишининг ўқув режа ҳамда фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

–ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудири);

–битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

–олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

–таълим йўналиши(таркиби)инг бакалаврият таълим йўналишларидан бирини ихтиёрли танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5111000 - Касб таълими (5230600-Молия) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) бакалаврият таълим йўналиши – фан ва банк-молия соҳасидаги йўналиш бўлиб, у ўз ичига касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, молия ва ғазначилик органлари, уларнинг фаолияти, бюджет-солиқ сиёсати, давлат бюджети даромадларининг шаклланиши ва харажатларининг сарфланиши, молиявий назорат, иқтисодий таҳлил ва аудит фаолиятини

ташкил этиш, давлат кредитининг моҳияти, бюджетдаи ташқари жамгармаларнинг даромад манбалари ва харажатлар йўналишлари, давлатнинг молия тизими истикболини белгиловчи ва илмий-тадқиқотлар олиб боришга йўналтирилган тамойиллар, усул ва воситалар мажмуини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги;
- умумий ўрта таълим муассасалари;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари;
- Молия вазирлиги ва унинг тармоқлари;
- Молия Вазирлиги Ғазиачилиги ва унинг бўлинмлари;
- бюджетдаи ташқари фондлар;
- бюджет ва иобюджет ташкилотлари;
- Молиявий фаолият юритувчи давлат ва иодавлат ташкилотлари;
- Давлат Солиқ қўмитаси ва унинг бўлинмлари;
- касса, ҳисоб-китоб фаолияти билан шуғулланувчи бўлимлари;
- пул муомаласи фаолиятини ташкил этувчи соҳа ва тармоқлари;
- Жисмоний ва юридик шахсларга кредит хизматларини кўрсатувчи ташкилотлари;
- Марказий ва тижорат баиклари;
- молиявий назоратни олиб боровчи соҳа ва тармоқлари;
- ивестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш жараёилари;
- молия бозори инфратузилмасига маисуб профессионал қатнашувчилари;
- давлат молиявий ресурсларини бошқариш фаолияти билан шугулланувчи ташкилотлари;
- корпорация, қўшма корхоналар ва акциядорлик жамиятлари;
- бошқа турдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шугулланувчи юридик шахсларнинг молиявий фаолиятлари;
- молия бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида консалтинг фаолияти;
- қимматли қозғалар бозорини тартибга солувчи давлат органлари;

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талабалари учун иқтисодий фанлардан ўқув-услубий мажмуаларни ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид иқтисодий файлларни ўқитиш;
- педагогик ва исихологик билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ўқув жараёнида татбиқ этиш;
- кичик мутахассисларни тайёрлаш жараёнларини таҳлил қилиш, оптималлаштириш, замонавий педагогик ва инновацион технологиялар ҳамда интерактив методларни қўллаш;
- мамлакатимиз ва чет эл мамлакатларининг банк-молия соҳасига оид назарий ҳамда амалий билимларга эга бўлиш;
- банк-молия соҳасига оид маҳаллий ва халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таниш бўлиш ва ўқув жараёнида фойдалана билиш;

- республика даражасида молияни бошқариш: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, вазирликлар, давлат бюджетидан ташқари жамғармалар; агентликлар ва идоралар;

- маҳаллий даражада: Ўзбекистон Республикаси ҳукуматиини ижро этувчи органлар, бюджетдан ташқари фондларнинг минтақавий ижроия дирекциялари;

- давлат молиясини назорат ва тафтиш органлари назорати;

- молия ва пул оқимларини бошқариш, шуниингдек, тижорат, иотижорат, молия

- кредит ташкилотларида, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, иодавлат ва жамоат ташкилотларида молиявий назорат;

- илмий-текшириш ташкилотларида, нодавлат илмий – тадқиқот фондлари ва ташкилотларда, маслаҳат ва инвестиция компаниялари;

- корпорациялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари;

1.2.3. Таълим йўналишн бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- *Педагогик(умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида);*

- *Молиявий-иқтисодий;*

- *Ҳисоб-таҳлил ва назорат;*

- *Ташкилий-бошқарув;*

- *Илмий-тадқиқотни ўз ичига олади.*

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаситомонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5111000 – Касб таълими (5230600- Молия) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

5A230601 – Давлат молиясини бошқариш;

5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича);

5A230603 – Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича);

5A230604 – Халқаро молия

5A110001 – Касб таълими (мутахассисликлар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шуниингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) таълим йўналишн бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фаилар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

• Ватаи тарихии билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол гоёсига асосланган фаол ҳаётини нуқтаи назарга эга бўлиши;

• табиат ва жамиятда кечаётган жараён ҳамда ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносибатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларини билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

• тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

Бакалавр:

• таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

• тегишли бакалаврият йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълими давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрлаш адиладар.

2.2. 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Педагогик фаолиятда (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):

– ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фаилари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларини тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитиладиган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

– ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳалари фаолиятини таҳлил қилиши;

– мустақил таълим ва ижодий тадқиқот натижасида ўқитиладиган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа жабҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

– маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ваколатли органларида молияни бошқариш, тегишли ҳудудларда бюджетларини шакллантириш, бюджет - солиқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларини билиш;

– Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги бюджет сметаларини, молиявий ва кредит режаларни, йиғма молиявий балансларни, бюджетларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур дастлабки маълумотларини тайёрлашга иштирок этиш;

– келгусида молиявий (бюджет) ресурслар(и)нинг ҳажми ва уларни шаклланиш манбаларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китобларни юритиш;

– Ўзбекистон Республикасида молиявий ресурслар баланси, (йиғма молиявий баланси) прогностини тузиш бўйича ҳисоб - китобларни амалга оширишга қатнашиш;

– турли даражадаги бюджетлар лойиҳасини тузиш бўйича молия органлари фаолиятига қатнашиш;

– мажбурий харажатлар реестри асосида турли шаклдаги бюджет ажратмаларини режалаштириш;

– бюджетлараро трансфертларни ҳисоблаш, шуниингдек, бюджетнинг қуйи бўғинларига молиявий ёрдам кўрсатиш усулларини билиш;

– Ўзбекистон Республикаси неisia фонди ва бошқа фондлар бюджет лойиҳаларини тузиш бўйича республика ва ҳудудий даражадаги давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари фаолиятида қатнашиш;

– бюджет ташкилотлари бюджет сметаларини тузиш ва молиявий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини қўллаш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

– касбий фаолият соҳаси бўйича қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

– ҳисоб-китоблари таҳлил қилиш ва ўз ечимини асослаш, молиявий ва иқтисодий маълумотларни қайта ишлаш учун турли воситалардан фойдаланиш;

– зарурий статистик маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва талаб этилган таҳлилий ҳисобот ёки умумлаштирилган қисқача маълумот шаклида тақдим этиш;

– молиявий-иқтисодий жараёиларнинг тавсифи асосида стандарт шаклдаги, назарий ва эконометрик моделлари яратиш, улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаб териш;

– бюджетни ижро этишда, бюджет сметаларида бюджет ҳисобини юритиш ва ташкил этиш, халқаро стандартлар асосида бюджет ҳисоботини шакллантириш ва тақдим этиш;

– молиявий (бюджетлари) ирогнозлаш ва режалаштириш учун бухгалтерия, молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;

– ички ва ташқи таъсир омилларини ҳисобга олган ҳолда молиявий (бюджет) кўрсаткичлар(и)нинг ўзгариш тенденцияларини ва динамикасини таҳлил қилиш, бюджет-солиқ соҳасидаги рискларни баҳолаш;

– хорижий ва миллий маълумотлардан фойдаланган ҳолда молия-кредит тизимининг фаолияти бўйича халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш;

– таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш;

– ҳудудий ва корпоратив ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш, ахборот технологиялари хизмати билан ўзаро боғлиқ бўлган фаолият доирасидаги маълумотларни ҳимоялаш ва қайта ишлаш усулларини ҳамда дастурий воситаларни билиш;

– иотенциал истеъмолчиларини маслаҳат хизмати фаолиятидан фойдаланишга, қизиқтиришга, турли масалаларни маслаҳат учун ажратишга, маълум ҳолатларда экспертизани амалга ошира олиш, умуман, маслаҳат фаолиятига доимо тайёр бўлиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– молия ва суғурта бозори, кредит ташкилотлари, бюджет-солиқ соҳасида қўлланиладиган турли тартиб, усуллар, стандартлар ишлаб чиқишга қатнашиш;

– бюджетни ягона ҳисоб орқали бошқаришни, бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини, бюджет даромадлари ва харажатлари ижросини ташкил этиш бўйича молия органида иш юритиш;

– стратегик масалаларни ҳал қилишда корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш;

– турли тармоқларни, лойиҳаларни, гуруҳдаги (командадаги) ҳамкасбларни, бўлинмаларни, ташкилотларни бошқариш;

– корпоратив стратегияни ишлаб чиқиш;

– давлат бюджетини кассали ижро этиш ҳисобини, давлат бюджети ягона ҳисобвараги орқали операцияларни бошқариши, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги бюджетлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидаги ўриятилган тартибда кассали ижро этишни амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги бюджетларни прогнозлаш, лойиҳасини тузиш ва ижро этиш босқичларида давлатнинг молиявий назорат усуллари ва механизмини билиш;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва молия-бюджет назорати хизмати томонидан амалга ошириладиган молиявий назоратнинг турли усуллари ва шакллари тайёрлаш;

– бюджет маблағларини асосий тартибга солувчи, давлат бюджетининг даромадлари ва бюджет дефицитини молиялаштириш маибаларини асосий администратори сифатида молиявий назоратни амалга ошириш ва ташкил этиш бўйича олиб бориладиган фаолиятининг иштирокчиси бўлиш;

– Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари бўйича назорат ва молия органларининг молиявий назоратини амалга ошириш;

– ижроия ҳокимияти органлари (маҳаллий ҳокимият органлари) томонидан бюджетни тузиш, ижро этишда ички тартиб ва стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя қилиниши бўйича назоратни юритиш мақсадида ташкил этилган молиявий назорат ишини олиб бориш;

– бюджет маблағларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун амалга ошириладиган чора-тадбирларни ташкил этиш ва тайёрлаш, бюджет ҳисобини юритиш ва ҳисоботини *тузиш қобилиятига эга бўлиши керак.*

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– тасдиқланган давлат таълим стандартларидан ва ўқув-услугий материаллардан фойдаланган ҳолда умумий ва касб-ҳунар таълими муассасаларида молиявий-иқтисодий фаилардан таълим бериш;

– таълимнинг инновацион усуллари қўллаган ҳолда молиявий-иқтисодий фанлардан ўқув-услугий таъминотни ишлаб чиқишда қатнашиш;

– иитерият тармоғида энг янги илмий, технолоғик ютуқлар ҳақидаги маълумотни мақсадли қидириш ва топиш;

– илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

3. 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блоклариини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;

математик ва табиий-илмий;

умумкасбий;

иқтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанлари ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугаллаиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фаилар блоки:

–Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фаилар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:

–умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизлики инобатга олган ҳолда билишини математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёналарни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усуллариинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

–табиий фанларини ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатда оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

–таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

Умумқасбий фанлар блоки:

–математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

–таълим йўналиши иқтисодик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларини, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

–таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

–иқтисодий ғояларининг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдаи самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши;

–статистика амалиётида қўллаиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши;

–меҳнатни ташкил этиши, меҳнат бозорини ривожлантириши ва тартибга солиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаши;

–жаҳои хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолаши билиши;

–режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, нул, кредит, қимматли қоғозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

–хўжалик юритувчи субъектларнинг маблаглари, уларнинг ташкил тоиш манбалари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаши;

–бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашининг стратегик ва тактик усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

–аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимидаги институтлар фаолияти ва уни ташкиллаштириши;

–иш жойини режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни билиши;

Ихтисослик фанлар блоки:

–тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва укувларини шакллантириши;

–иисонкапиталигакиритилгани инвестициялар самарасини баҳолаш ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиши;

–меҳнат бозори конъюктураси ва унинг ишлаш механизми аниқлаши, меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаши, иш вақти фондини тузиш ва уйдан фойдаланишни иқтисодий таҳлил қилиши;

–таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига қўмаклашиши лозим.

Қўшимча фанлар блоки

–таълим йўналиши талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

–меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

–таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

–қасбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри тайлай олиш, қасбий нуқтан назаринг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (қундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим -	63 - 70%;
аттестация -	8 - 10 %;
таътил -	12 - 16 %;
малака амалиёти -	6 - 12 %;
битирув малакавий иши -	2 - 3%.

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	15 - 20 %;
математик ва табиий-илмий фанлар	10 - 15 %;
умумқасбий фанлар	50 - 55 %;
ихтисослик фанлар	10 - 15 %;
қўшимча фанлар	5 - 7 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55


ОКС 01.040.01


Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, комиетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқув цикли, педагогика, педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари, касб таълими педагогикаси, касбий таълим дидактикаси, педагогик технологиялар, психология, касбий психология, жамият ва шахс, шахснинг индивидуал хусусиятлари, характер, темперамент, педагогик фаолият психологияси, иедагогик психология, тадбиркорлик ва бизнес психологияси, замонавий таълим бериш қонуниятлари, таълим методлари, таълим шакллари, таълим воситалари, иедагогик назорат, молия, молиявий сиёсат, молия тизими, молиявий назорат, молиявий менежмент, молиявий режалаштириш, корхоналар молияси, корхоналарда ҳисоб-китоб тизими, давлат бюджети, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, бюджет жараёни, бюджет тизими, бюджетдан ташқари давлат жамгармалари, суғурта, ижтимоий таъминот, давлат кредити, молия бозори, инвестицияларни молиялаштириш, уй хўжаликлари молияси, корпоратив молпя, халқаро молия, молия генезиси.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини
Ривожлантириш маркази


Директор  **Б.Х.Рахимов**



» феврал

М.Ў.

Ташкилот молия институти
Ректор  **Б.А.Бегалов**



» 10 феврал

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:
Тошкент давлат педагогика университети

Ректор  **Ш.С.Шарипов**

2016 йил « 24 » феврал



Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор  **М.Р.Болтабоев**

2016 йил « 24 » феврал



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази

Директор ўринбосари  **З.Худойбердиев**



» 24 феврал

М.Ў.


**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими
Марказининг Тошкент молия институтига тайёрланаётган 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия)
бакалаврият таълим йўналишига қўйилган талаблари(касбий комитетлик талаблари)**

т/р	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими Марказининг касб-хунар коллежлари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими Марказининг 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия) бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий комитетлик талаблари)
	шифри	номи
1	5111000	Касб таълими (5230600-Молия)
<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> – Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қоиунларини, таълимга оид бошқа қонун ҳужжатларини; – ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимининг меъёрий–ҳуқуқий ва ўқув–режалаштириш ҳужжатларини; – дарс берадиган фанини мазмуни ва моҳиятини; – файллар бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш ва олиб бориш методикасини; – замонавий ва самарали назорат методлари, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва фаоллигини баҳоловчи рейтинг тизимини; – педагогик ва касбий мулоқот назарияси ва амалиётини, ёшлар психологияси ва физиологиясини; – ўқув жараёнида фойдаланадиган (ўқитиш) воситаларини ва замонавий педагогик технологияларни амалда қўллашни; – маънавий-маърифий ишларининг долзарб вазифаларини, ёшлар билан 		

		<p>тарбиявий ишлар олиб бориш усуллари, мулоқот суҳбатлар ва муомала маданияти масалаларини;</p> <ul style="list-style-type: none"> – меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги ва гигиена талаблари, ўқув кабиетлари, аудиториялар ва бошқа хоналарни жиҳозлашга қўйиладиган талаблари; – хорижий тиллардан бириинг камида бошлаиғич босқичиини; – касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш; – бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширғай ишининг натижаларини баҳолаш; – давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар молияснини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш; – келгусида молиявий (бюджет) ресурслар(и)ниинг ҳажми ва уларни шакллаиш манбаларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китобларни юритиш; – Ўзбекистон Республикасида молиявий ресурслар баланси, (йиғма молиявий баланси) прогиозииини тузиш бўйича ҳисоб - китоблариини амалга оширишга қатнашиш; – ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тегишли фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотлариини, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлариини ўтказиш; – ўқув машғулотлари давомида ўқитишнинг ноаиъанавий методларидан фойдаланишни ҳамда замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялариини қўллаш олиш; – ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-режалаштириш ҳужжатлариини ишлаб чиқиш; – ўқув машғулотларини ўтказишда ўқитиш воситаларидан фойдалана олиши; – ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш;
--	--	---

